



O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 19-mart. Shanba

35-36 (31.312)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

■ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18 март куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши ва Марказий ҳарбий кенгаши аъзоси, мудофаа вазири Лян Гуанлени қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, кейинги йилларда Ўзбекистон — Хитой муносабатлари икки томонлама ҳамкорликнинг барча соҳаларида изчил ривожланиб бораётганини, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг 2010 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифидан кейин янги, янада юқори суръат касб этганини таъкидлади.

— Биз Хитойни ишончли ҳамкор деб биламиз. Бугунги кунда Хитой ўз иқтисодий салоҳияти бўйича дунёда иккинчи ўринда туради. Сизнинг ташрифингиз мамлакатларимиз мудофаа вазириликлари ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётганининг ёрқин намунаси, — деди Ислам Каримов.

Икки ва кўп томонлама ҳамкорликка ҳамда минтақавий ва халқаро сўзасига оид муҳим масалаларга ёндашувларнинг ўхшаш ва яқин экани мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни изчил ривожлантириш ва ўзаро манфаатли шерикликни мустаҳкамлашнинг салмоқли рағбатлантирувчи омилдир. Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Хитой бир-бирини қатъий қў-

лаб-қувватлаб, «уч ёвуз куч» — терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашда яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Учрашувда минтақада барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда савдо-иқтисодий, сарможий ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим омилга айланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Томонлар иқтисодий ва сарможий ҳамкорликнинг суръати ва кўлами ошиб бораётганига, инфратузилма ва саноат соҳасида йирик қўшма лойиҳалар амалга оширилаётганига юқори баҳо бердилар.

Учрашувда Лян Гуанле мамлакатимиз раҳбарига Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг эзгу тиллақларини изхор этди, самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

Музокарада сиёсий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида



Муродбек ЭИЕ олган сурат.

ЎзХДП Тошкент шаҳар ташкилоти фаоллари ва халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлари Концепцияда илгари сурилган гоё ва қонунчилик ташаббусларини ҳаётга изчил

татиқ этиш, бу жараёнда партия фаоллари ҳамда депутатларнинг самарали иштирокини таъминлаш мақсадида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Шунингдек, Концепция

мазмун моҳияти ва унинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида тарғибот-ташвиқот тадбирларини ҳам ноанъанавий усулларда ташкил этишмоқда.

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

Сиёсий партияларнинг

жамиятдаги таъсирини янада оширишга барчамиз масъулмиз

■ Жиззах шаҳрида ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонуннинг сиёсий партияларнинг жамиятдаги роли ва таъсирини оширишдаги аҳамияти мавзусида семинар ташкил қилинди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Марказий Кенгаши аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотлари мутасаддилари, маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари етакчилари, шунингдек, ҳамкор ташкилотлар вакиллари қатнашди.

⇒ 2

Қарор ва ижро

Қулай ва ишончли

Ҳамон айрим тадбиркорлар тўлов терминалларини ҳўжақўрсинга ўрнатиб қўйиб, аҳолига савдо хизмати кўрсатишда улардан фойдаланмаётгани, бу билан амалдаги қонунчилик талабларини қўпол равишда бузиб, истеъмолчи манфаатларига путур етказишмоқда.

⇒ 3

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Ҳукумат фаолияти устидан парламент назорати

Бунда сиёсий партияларнинг мавқеи кучайиши давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштиришнинг муҳим шартидир

Назира МАТЯҚУБОВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси



■ Президентимиз илгари сурган Концепцияда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш ва бу билан боглиқ вазифалар аниқ белгилаб берилди.

⇒ 2

Тадбир

«Ассалом, Наврўз»

■ Наврўз азал-азалдан болаларнинг сеvimли байрами ҳисобланади. Сумалакни ҳаммадан кўпроқ болалар яхши кўради, янги кийимларни, энг аввало, болалар кияди, рақсга ҳаммадан кўп болалар тушади...

Кунни кеча пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 97-мактабда «Ассалом, Наврўз» деб номланган байрам тадбири ўтказилди. Унда ўқувчилар Наврўзнинг келиб чиқиш тарихи, мамлакатимизда бу байрам қанчалик сеvim, ардоқланиб нишонланиши, дошқозонларда сумалаклар пиширилиши тўғрисида билган ва урганганларини сахна кўришилари ва куй-кўшиқларда ифодалашди. — Бундай тадбирларни ўтказишимиз ўқувчиларимиз ёшлигидан энг қадимий миллий байрамимиз ҳисобланган Наврўз ҳақида тўлиқ билимга эга бўлишига ёрдам беради, — дейди 2-синф ўқитувачиси Наргиза Носирова.



Эътироф

Наврўз айёмини катта тантаналар билан нишонлаш ўзбек халқининг энг гўзал анъаналаридандир. Гўзаллик ва нафосат, мурувват ва саховат тимсоли бўлган бу айёمنى барча орзиқиб кутади. Бир неча йилдан буён ана шу қадрли байрамни халқингиз билан биргаликда нишонлаб келаётганимдан жуда хурсандман.

Мамлакатингизда миллий қадриятларни тиклаш, ўрганиш ва тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли эзгу ишлар таҳсинга сазовор.

Андре ДЮЛЕ,
(Франция)

Янгиликлар

Георгий Аъзамовни хотирлаб

■ Пойтахтимизда шохмат бўйича биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган анъанавий V халқаро турнир бошланди.

Умумий мукофот жамғармаси 20000 АҚШ долларини ташкил қилувчи мазкур нуфузли мусобақада юртимиз вакиллари ташқари, Россия, Украина, Исроил, Грузия, Арманистон, Қозғистон, Индонезия, Афғонистон ҳамда Тожикистондан келган танikli шохмат усталари дона суришмоқда.

Турнир гоилиб ва совриндорлари номи 27 март куни маълум бўлади.

«Ниҳол» мукофоти саралаш босқичлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъодлар учун «Ниҳол» мукофоти истеъодли ёшларнинг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инobatга олиб, ўзининг эстрада, мусиқа, мумтоз кўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилиги соҳасидаги маҳорати билан одамларнинг юрагига етиб борадиган, ёшларни эзгуликка чорлайдиган, уларни маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга хизмат қиладиган асарларни яратишда фаоллик кўрсатган 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида берилади.

«Ниҳол» мукофотининг биринчи саралаш босқичи республикамиз шаҳар-туманларида жорий йилнинг 15 апрелдан 15 майгача, иккинчи саралаш босқичи 15 майдан 15 июнгача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида ўтказилади. Номзодларнинг ҳужжатлари жойлардаги маданият ва спорт ишлари бўлимлари томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 15 МАРТДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙМАТИ

1 Австралия доллари	1686,74	1 Миср фунти	283,09	1 СДР	2624,19	10 Жанубий Корея вони	14,94
1 Англия фунт стерлинги	2687,56	1 Канада доллари	1719,58	1 Туркия лираси	1057,47	10 Япония иенаси	203,94
1 БАА дирҳами	455,83	1 Хитой юани	254,82	1 Швейцария франки	1801,16	1 Россия рубли	58,47
1 АҚШ доллари	1674,18	1 Малайзия ринггити	551,08	1 Евро	2320,08	1 Украина гривнаси	210,98

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Ҳукумат фаолияти устидан парламент назорати

Бунда сиёсий партияларнинг мавқеи кучайиши давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштиришнинг муҳим шартидир

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонун қабул қилинди.

Конституциянинг 78-моддасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари бўйича Бош вазир ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколати сифатида мустақамланган.

Олий Мажлис палаталарининг ваколатлари кенгайтиши иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ўрни ҳамда таъсирини кучайтиришга замин яратмоқда. Шунингдек, ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қонунлар ва ҳукумат қарорлари ижроси қозасидан депутатлар ва жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг ҳуқуқий асосларини янада бойитади.

Меннинг назаримда, ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини жамо-

атчилик назорати билан уйғун олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу, айниқса, партия-миз дастурий мақсадларининг устувор йўналиши ҳисобланган ижтимоий муаммоларни самарали ҳал этиш имконини беради.

Парламент назоратини амалга оширишда сиёсий партиялар имкониятларидан кенг фойдаланиш қонунлар ижро этилишини ўрганишдаги таъсирчан усулдир. Сиёсий партиялар парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида ўз депутатлари орқали иштирок этгани каби, бу жараёнда ҳам аввало Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг ваколатларидан кенг фойдаланган ҳолда қатнашади.

2008 йил 1 январдан кучга кирган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунда депутатлар, депутатлик гуруҳлари томонидан қонунлар ва бошқа ҳукумат қарорлари ижроси устидан назорат олиб боришнинг ҳуқуқий асослари мустақамланган. Шунингдек, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонунларда ҳам депутатларнинг назорат вазибаларига оид ҳуқуқ ҳамда ваколатлари аниқ белгиланган.

Қонун ҳужжатларининг жойларда қандай бажарилаётганини ўрганишда сиёсий партиянинг, айниқса, унинг маҳаллий ва бошланғич ташкилотларининг ўрни катта.

Чунки, маҳаллий партия ташкилотларининг ёрдами орқали депутатлар аҳоли қандай муаммоларга дуч келаётгани, қонунлар қандай ишлаётгани билан бирга, фуқароларимизда қандай қонунларга эҳтиёж борлиги ёки амалдаги қайси қонунга қандай ўзгариш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги ҳақида таклиф ва тавсиялар олади. Бу эса парламент фаолиятини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Парламент назоратининг самарадорлигини оширишда партия маҳаллий кенгашларининг роли қай даражада муҳим бўлади. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкин, қонунлар ижроси назорати аввало қуйида бошланиши лозим.

Қўллаб-қувватловлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Бугунги кунда ЎзХДП Марказий Кенгаши қўйётган асосий талаб шундай тадбирлар фақат ташвиқот ва тарғиботдан иборат бўлиб қолмаслигидир. Уларда электоратимиз қандай муаммоларга дуч келаётганини ўрганиш ҳамда қонунлар ижросига эътибор қаратиш лозим бўлади. Партиянинг маҳаллий ва бошланғич ташкилотлари жойлардаги муаммоларни чуқур билиб, уларни ҳал қилиш учун зарур таклифлар бериш имкониятига эга.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан узвий алоқалари тизимли давом этиши лозим. Бунда маҳаллий партия ташкилотлари фақат ташкилотчигина эмас, балки ташаббускор бўлиши, аниқроғи, барча даражадаги депутатлар фаолиятини партиянинг дастурий мақсадларини амалга ошириш бўйича дадил ҳаракатга доим ундаб туриши керак.

Парламентнинг назорат-таҳлил фаолияти қонунларнинг қандай ижро этилаётгани, мамлакатни ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ўрганишдаги муҳим институтдир. Бу жараёнда қонунлар ижросини ўрганишчи гуруҳлар таркибига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, эксперт ва мутахассислардан ташқари маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва партия фаоллари ҳам жалб этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкин, қонунлар ижроси назорати аввало қуйида бошланиши лозим.

Фуқароларнинг сиёсий онги

қандай қонунлар ва қарорлар қабул қилинаётганидан қай даражада хабардорлиги, ўз манфаати нуқтаи назаридан уларнинг талаб шундай тадбирлар фақат ташвиқот ва тарғиботдан иборат бўлиб қолмаслигидир. Уларда электоратимиз қандай муаммоларга дуч келаётганини ўрганиш ҳамда қонунлар ижросига эътибор қаратиш лозим бўлади. Партиянинг маҳаллий ва бошланғич ташкилотлари жойлардаги муаммоларни чуқур билиб, уларни ҳал қилиш учун зарур таклифлар бериш имкониятига эга.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари қонун ижодкорлиги жараёнида, шунингдек, парламент назорати фаолиятини амалга оширишда албатта партиянинг марказий, маҳаллий ва қўйи ташкилотлари, партия фаоллари, депутатлик гуруҳлари фуқаролик гуруҳлари фикр-мулоҳаза ва таклифларини инобатга олиб, электорат манфаати нуқтаи назаридан ёндашади.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган Концепцияда белгилаб берилган вазифаларга мувофиқ, Конституциямизга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг мавқеини кучайтириш билан бирга, парламент назорати механизмларини янада такомиллаштиришда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари бу имкониятлардан самарали фойдаланиши, шубҳасиз.

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати



Сиёсий партияларнинг

жамиятдаги таъсирини янада оширишга барчамиз масъулмиз

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Ҳаёт ўзгараётти, давр олдимизга янги ва масъулиятли вазифалар қўймоқда. — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева**. — Президентимиз илгари сурган Концепциянинг маъмул-моҳиятини жамоатчилик, хусусан, электорат вакилларига етказишда нима-ларга эътибор бериш лозим? Уни амалга оширишда фаолларимиз амалий иштироки қандай бўлиши керак?

Демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ўз-ўзидан бўлмайдиган, албатта. Бу жараёнда ҳар биримиз бевосита қатнашишимиз, сиёсий партия аъзоси сифатида янада фаол ва ташаббускор бўлишимиз даркор.

Концепцияда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш янги қонунлар қабул қилиш, айримларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш жараёнида кечди. Мана шу жараён Конституциямизга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш билан бошланадиган. Сўнг шу асосда бошқа қонунларимиз такомиллашадиган. Қабул қилинаётган қонунлар, мавжуд қонунларга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар партиямиз Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва электорат манфаатларини ҳимоя қилишга янада кенг йўл очди. Бу эса зиммамизга янада жиддий масъулият юклайди.

Шу ўринда бир савол туғилади: ҳўш, барча депутатларимиз, партия ташкилотларимиз мутасаддилари бунга бирдек тайёр, зарур тушунча ва дунёқарашга эга, дея оламизми? Яна, электорат вакиллари — бизга хайрихоҳ кишиларнинг сиёсий ҳамда фуқаролик билиминини бойитиш учун қандай амалий ишлар қилиш керак? Ана шу саволлар бугун ҳар биримизни ўйлаб қўришга ундайди. Янги давр амалий ишлар билан бошланадиган. Ҳар биримиз мана шу ишлар қўламини кенгайтиришга ва бу жараён самарали кечишига бутун билимимизни, кучимизни сарфлашимиз лозим.

Шундан сўнг юқоридаги қонуннинг ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида парламент куйи палатаси депутатлари атрофида тушунча берди. Шунингдек, улар демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижро органлари фаолияти устидан парламент назорати институтини такомиллаштириш имкониятлари ҳақида фикр билдиришди.

Жўракўзи Қўлдошев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси: — Кўппартиявийлик тизимининг янада мустақамланиши сиёсий жараёнлар, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг жамоатчилик назорати остида кечишига ёрдам беради,

яъни амалдаги қонунлар қандай ишлаётгани, бугун қандай қонунларга эҳтиёж мавжудлигини чуқур ўрганиш, бу борда баҳс юритиб, энг мақбул қарорлар қабул қилишга омири бўлади. Конституциямизга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар давлат бошлиғи, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиблигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Мастураҳон Сайфиддинова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Парламент назорати қонунлар ва давлат дастура-рининг жойлардаги ижросини таъминлашга хизмат қиладиган муҳим демократик воситадир. Шундай экан, депутатларимизнинг ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб, кўпроқ фаоллик кўрсатиш, таклиф ва ташаббуслар билан чиқишига эришиш зарур. Бу эса маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари зиммасига ҳам ўта жиддий вазифа юклайди. Қонунларимизга киритилаётган ўзгариш ҳамда қўшимчалар, қабул қилинаётган янги қонунларимиз такомиллашадиган. Қабул қилинаётган қонунлар, мавжуд қонунларга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар партиямиз Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва электорат манфаатларини ҳимоя қилишга янада кенг йўл очди. Бу эса зиммамизга янада жиддий масъулият юклайди.

Ақром ИНОМОВ, халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Конституциямизга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар эртанги кунимиз учун гоёт аҳамиятли, шунинг учун унинг маъно-моҳияти, ҳар бир фуқаро ҳаётига таалуқли эканини тушуниришни кучайтиришимиз жоиз.

Ҳар қандай қонун ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак. Шунда унинг ижроси қутулган натижани беради, бундан жамият юксалади. Шу боис, ишлаб чиқилаётган қонунлар лойиҳаларининг ҳар жиҳатдан мукамал бўлишида биз, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам муносиб ҳисса қўишимиз керак. Бунинг учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимизнинг изчил ҳамкорлигига эришиш зарур. Энг муҳими, шу орқали электорат манфаатларини ҳимоя қилиш тизими янада мустақамланади.

Давра суҳбати давомида қатнашчилар семинар мавзуси асосида ўзаро фикр алмашишди. Машгулот сўнггида иштирокчилар фикр-мулоҳазалар ўзлари учун фойдали бўлганини таъкидлашди. Бундай семинарларни партиянинг қуйи ташкилотларида янада самарали ташкил этишга келишиб олинди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Маҳалланинг мавқеини оширишда

оммавий ахборот воситаларининг ўрни

Бугун маҳалланинг аҳоли, айниқса, ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясида, ижтимоий масалаларни ҳал этишда, жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлашдаги мавқеи тобора ортиб бормоқда.

Президентимиз илгари сурган Концепцияда маҳаллани аниқ йўналтирилган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимининг вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилди. Бу жараёнда амалга ошириш оммавий ахборот воситаларидан ҳам катта масъулият талаб этади.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ўтказган семинарда бу масала ҳақида атрофлича фикр юритилди. Журналистлар учун ташкил этилган «Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла) фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган ислохотларни ёритишда ОАВларнинг роли» мавзусидаги ўқувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, мутасадди ташкилот вакиллари ва мутахассислар маърузалар билан иштирок этди.

Маҳалла халқни давлат ва ҳокимият идоралари билан боғлаб турадиган кўприқдир, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Хайрулла РЎЗМЕТОВ. — Бугун маҳалланинг фуқароларни ташвишга солаётган энг долзарб муаммоларни ҳал этиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти ортиб бораётти. Шунинг билан олиб, фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш тизимини янада такомиллаштириш зарур. Токи бу механизм оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиси этиб энг муносиб номзодлар сайланишини таъминласин. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, «Фуқаролар йиғини раиси

(оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунни такомиллаштириш фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришга, ҳаётимизда маҳалланинг ролини оширишга, давлат бошқарув органларининг қонун ҳужжатларини ижро этиш фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатishга хизмат қиладди.

— Азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлган, — деди хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Дилфуза ҲАСАНОВА. — Ҳазор меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамақса ҳал қилиш, яъни-ёмон кунда бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар, авваламбор, маҳалла муҳитида шаклланиб ва ривож топган.

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи тизимида 8430 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи фаолият кўрсатмоқда.

Ўзлуксиз олиб борилган маърифий ишлар натижа-сиди 2658 маҳаллада умуман жиноят содир этилмаган. 1,5 мингдан ортиқ маҳаллада жиноят миқдори камайган. Ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка рўжу қўйган, оила-сида мунтазам ҳуқуқбузарлик содир этган кимсалар ордан кўтарилмоқда. Фарзандлар тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналар орасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолини ижтимоий



ҳимоя қилишда қўллаб-қувватлаш амалий ишлар қўламини кенгайтиришга ва бу жараён самарали кечишига бутун билимимизни, кучимизни сарфлашимиз лозим.

Шундан сўнг юқоридаги қонуннинг ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида парламент куйи палатаси депутатлари атрофида тушунча берди. Шунингдек, улар демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижро органлари фаолияти устидан парламент назорати институтини такомиллаштириш имкониятлари ҳақида фикр билдиришди.

Жўракўзи Қўлдошев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси: — Кўппартиявийлик тизимининг янада мустақамланиши сиёсий жараёнлар, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг жамоатчилик назорати остида кечишига ёрдам беради,

қимияти ва бошқарув идоралари билан ўзаро яқин бўлишини таъминлаш алоҳида қайд этилиб, бу вазифани ҳал этиш йўллари кўрсатиб берилди, — деди Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси Шохруҳ ҒАЗИЕВ. — Қонунларимиз қанчалик демократик тарзда қабул қилинган бўлмасин, уларни ижро этиш механизмида сусткашлик бўлса, қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш муаммоларига қолаверади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларидан бири, бу — жамоатчилик назорати бўйича қонунчиликда берилган ваколатлардан самарали фойдаланиш ҳисобланади.

Ўқув семинарнинг иккинчи кунини иштирокчилар «Маҳалла» газетаси таҳририяти, Олмазор туманидаги «Қорасарой» ва «Гуручарик» маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти билан танишишди. Ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди. Мазкур семинар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти бўйича журналистларга қўшимча тушунча берди.

Гулруҳ ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Қарор ва ижро

Қулай ва ишончли



■ Президентимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш буйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори пул муомаласи тизимини такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш ва банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш мақсадида қабул қилинган эди. Айтиш жоизки, мазкур қарор самараси ўлароқ айни пайтда жойларда аҳолининг банк пластик карточкаларидан фойдаланиб, тўловларни амалга ошириши учун қулай шарт-шароит яратилмоқда.

Хусусан, бугунги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг самарали механизми шакллантирилди. Унга биноан ҳар бир пластик карточка эгаси карточка ҳисоб-рақамдаги маблағни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи шахсий идентификация рақамига эга. Бегона шахсларнинг сохташтириши ва рухсатсиз фойдаланишига йўл қўймайдиган микрочипли модулар ҳамда маълумотларни шифрлайдиган тўрт погонли тизимга эга пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасида ягона «Узкарт» тўлов тизими йўлга қўйилди. Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда мижозлар ҳисоб-рақамидан маблағ ечиш ва унга пул ўтказиш Умумреспублика ягона процессинг маркази орқали амалга оширилиши мижозлар ҳамда сотувчиларни турли товланмачилик ва чув туширишдан ҳимоя қилади.

Қарорга мувофиқ, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширадиган ва банк пластик карточкаларидан тўловлар қабул қилиш буйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектларига авиация, темир йўл, автовокзал ва автостанциялар кассалари, автотомбилларга ёнилги қўйиш шох-балалари, мехмонхоналар, кредит ташкилотлари ва молия бозорининг бошқа субъектлари, турғун савдо шохбалалари, жумладан, дорихоналар, умумий овқатланиш объектлари, аҳолидан уй-жой коммунал хизматлари, шунингдек, телефон, уяли алоқа хизматлари учун тўловларни қабул қилиш пунктлари, автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари, алоқа бўлимлари, маиший хизмат кўрсатиш, маданий-оммавий томоша тадбирлари ўтказиш объектлари ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар кирди.

Қарор ижросига келсак, биргина Хоразм вилоятида терминаллари билан жиҳозланиши лозим бўлган 5246 та объект бўлган ҳолда, 2011 йил 1 январь ҳолатига улардан фақат 2616 таси тўлов терминаллари билан жиҳозлангани маълум бўлди. Утган 2010 йили вилоят давлат солиқ идоралар томонидан тўлов терминаллари билан фойдаланиш қондаларига риоя қилиш юзасидан 73 та текшириш ўтказилиб, барчасида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Жумладан, 35 та ҳолатда терминаллар билан жиҳозланиш талаблари, 33 ҳолатда терминаллар орқали тўловларни амалга ошириш қондалари бузилгани, 5 та ҳолатда пластик кар-

точкалар орқали тўловларни қабул қилишдан бўйин товлаш ҳолатлари аниқланди. Натижада ҳўжалик юритувчи субъектларга 97412,9 минг сўм миқдорда маълумий жарима қўйилди. 3 та ҳолат буйича айбдорларга жиноий иш қўзғатилди.

Ҳамон айрим тадбиркорлар тўлов терминаллари хўжақўрсинга ўрнатиб қўйиб, аҳолига савдо хизмати кўрсатишда улардан фойдаланмаётгани, бу билан амалдаги қонунчилик талабларини қўпол равишда бузиб, истеъмолчи манфаатларига путур етказишмоқда. Албатта, ҳар биримиз истеъмолчимиз. Касби-коримиз, эгаллаган мавқеимиздан қатъи назар, энг аввало истеъмолчи сифатида ҳуқуқимизни талаб қилишга ҳақимиз. Шундай экан, тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва улардан фойдаланишга оид талабларга риоя қилмаслик ҳолатларига дуч келганда, ҳар бир инсон солиқ идорасини огоҳлантирсан, мақсадга мувофиқ бўлади. Жамоатчилик назорати шу, аслида. Қолаверса, бу билан қонунчилик бузилишининг олдини олган ва истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқимизни ҳимоя қилган бўламиз.

Ҳўрмат АБДУКАРИМОВ,
Хоразм вилояти ДСБ бошлиғи ўринбосари.



«Байрамни ораста кутиб оламиз»

■ Сурхондарёда ўтган икки кунлик умумхалқ хайрия ҳашарида 1,5 миллионга яқин аҳоли иштирок этди. Туман ва шаҳар марказлари, гузар, маҳалла ҳамда хиёбонлар тартибга келтирилди. Наврўз айёми арафасида фойдаланишга топширилган қўзда тутилган қурилишлардаги ишлар янада жадаллаштирилди.

— Ҳашар кунлари 1 минг 40 гектардан ортиқ майдон ободонлаштирилди, — дейди вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси ўринбосари Холмўмин Эргашев. — 5 миллион тўнга яқин мева-ли ва манзарали дарахтлар, турли гул кўчатлари экилди. 2,5 миллион тўндан ортиқ дарахтларга шакл берилди, қабристон ва зиёратгоҳлар атрофи тартибга келтирилди.

Бундан ташқари, ҳудудлардаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 457 та оиланинг 17 минг 618 метр квадрат уй-жойларида қурилиш-таъмирлаш ишлари қилиниб, 1 минг 73 та оила ҳолидан хабар олинди. Уларга 27 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Анжуман

Микрокредитлар тараққиётга хизмат қилмоқда

■ Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги Фармонида биноан ташкил этилган «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида кўзга кўринарли ютуқларга эришмоқда.

2008 йил 10 ноябрда эса мамлакатимиз раҳбарининг «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш тўғрисидаги фармони қабул қилиниши натижасида соҳани ривожлантириш учун катта имтиёз ва қўлайликлар яратилди. Булар тадбиркорлар учун гоёта кам, атиги 3 фоизли микрокредитлар, 5 фоизли микрокредитнинг хизматлари жорий этилишидир.

«Микрокредитбанк» ташкил этилганидан бунён кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 343,5 миллиард сўм миқдорда микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Мазкур сармоёлар эвазига республикада 300 мингтага яқин янги иш ўринлари яратилди.

Биргина 2010 йилнинг ўзига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 121,4 миллиард сўм миқдорда микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Истиқболни қўлаб амалга ошираётган ишлари тўғрисида «Микрокредитбанк» Бунужаҳон микромолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви — «MIX-MARKET» агентлиги ҳисоботларига кўра, Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар бериш йўналишида йириклиги буйича жаҳоннинг энг яхши 100 та банки сафига кирди ҳамда энг юқори — 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчиси бор эътироф этилди.

Банк ўтган йили «Осиё банкирлари уюшмаси» аъзоллигига қабул қилинди. Халқаро «Fitch Ratings» агентлиги «Микрокредитбанк»нинг узоқ ва қисқа муддатли кредит лаёқатлили рейтингларини «В» «Барқарор» даражасига кўтарди. Лондон шаҳрида дунёнинг 140 дан ортиқ етакчи банкларнинг вакиллари иштирокида бўлиб ўтган «Bank of Year Awards — 2010» тақдир маросимида «Financial Times» компанияси томонидан «Микрокредитбанк» очик

акциядорлик-тижорат банки «2010 йилда Ўзбекистоннинг энг яхши банки» номинацияси буйича голиб, деб топилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Микрокредитбанк» билан ҳамкорликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлар билан таъминлаш мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида ана шулар ҳақида гап борди.

Банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлар ҳажми-ни камиди 1,3 баробар кўпайтириш ёки 3,6 трлн. сўм миқдорда кредитлар ажратиш чоралари кўриб борилмоқда.

2011 йил Президентимиз томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинди. Банк жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун 156 миллиард сўм микромолиявий хизматлар кўрсатиши ва 105 мингтага яқин янги иш ўринлари яратиш чора-тадбирларини ишлаб чиқди.

Шоҳйод МИРҲАБИБОВ



Энг яхши бизнес лойиҳалар танлови

2011 йилни Президентимиз томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан «Ўзсаноатқурилишбанк» очик акциядорлик тижорат банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу мақсадда жорий йилнинг дастлабки икки ярим ойи давомида банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 80 млрд. сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан эълон қилинган «Энг яхши бизнес лойиҳа» танлови голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда самарали фаолият кўрсатаётган 80 дан зиёд тадбиркорлар ўз бизнес лойиҳалари билан иштирок этди.

Танлов ҳайъати биринчи нав-

батда маҳаллий хомашёни қайта ишлаш, шунингдек, мамлакатимизнинг узоқ ҳудудларида эндиликда қурилиш фаолиятини бошлаётган коллеж битирувчилари учун янги иш ўринлари яратиш юзасида тўтувчи лойиҳаларга эътибор қаратди.

Натижаларга кўра 1-ўрин Бухоро вилоятидаги «Вух Тек Компрессор» МЧЖга, 2-ўрин Маҳаллий вилоятидаги «Durdona Lazzat» хусусий корхонасига, 3-ўрин эса «Сурхон Қурилиш Бутлаш» хусусий ишлаб чиқариш корхонасига берилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ноҳиялари жамиятига қарашли «Қаҳрамон илм» шўба корхонаси банкнинг махсус дипломига сазовор бўлди.

Мирбахтиёр МИРҲАБИБОВ

Огоҳлик — давр талаби

Мақсад — табиий офатларнинг олдини олиш

■ Фавқуллода вазиятлар вазирлиги томонидан республикада ҳудудларида сел ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш, бундай ҳолатларда амалга оширилаётган ишлар, галдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Мамлакатимизда фавқуллода вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими яратилган. Ушбу тизим республика ва маҳаллий ҳокимият органларининг, аҳоли ва ҳудудларни фавқуллода вазиятлардан муҳофиза қилиш масалаларини ҳал этиш ваколатига кирадиган корхоналар ва муассасаларнинг ишларини мувофиқлаштиради.

Республикада Амурдарё, Сирдарё, Норин, Қашқадарё ва Зарафшон каби йирик дарёлар, катта ва кичик сув оёборлари мавжуд. Булар айрим ҳудудлар учун хавф манбаи бўлиши мумкин.

Айнан шундай хавф юзага келиши эҳтимоли бўлган ҳудудларда яшовчи аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида дарёларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш, муҳандислик-техник тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, Сирдарё дарёсининг Гулистон тумани «Етти уруғ» маҳалласи

ҳудудидан ўтувчи қисмидаги 600 метр дарё қирғоғи харсанг тошлар билан мустаҳкамланди.

Норин дарёсининг Наманган, Андижон вилоятлари ҳудудларидан ўтувчи қисмида жами 3558 метр узунликдаги дамбаларни тиклаш, қирғоқларни мустаҳкамлаш тадбирлари олиб борилди.

Гидрометеорологик ва геологик хавфли жараёнлар кузатилиши мумкин бўлган ҳудудларда 62 та махсус тактик ўқув машқлари ўтказилди. Республикаимизнинг тоғли ҳудудларидаги қор захираларини ва баланд тоғлардаги қўлларнинг ҳолатини баҳолаш ҳамда сел ва кўчки хавфи мавжуд ҳудудларни аниқлаш мақсадида аэровизуал кузатувлар амалга оширилди. Бу ўз навбатида, гидрометеорологик ва геологик вазиятни баҳолаш, салбий оқибатларини олдиндан аниқлаш, аҳолининг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.



Аҳоли ва раҳбар ходимларнинг фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш ва содир бўлганда тўғри ҳаракат қилишга оид билим-малакаларини янада ошириш, фуқаро муҳофазаси тизимидаги

ишларни омма орасида кенг тарғиб этиш мақсадида доимий равишда тарғиб-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Равшан ШОДИЕВ

Ахборот эркинлиги — тараққиёт омили

■ Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш юзасидан қатор устувор вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ташкил этилган матбуот анжумани бу вазифаларнинг ижроси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш масалаларига бағишланди. Унда соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Б.Мирусмонов давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш борасида оммавий ахборот воситалари билан ўзаро яқин ҳамкорлик йўлга қўйилгани, бунда бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асос бўлаётганини таъкидлади. Концепцияда илгари сурилган гоё ва ташаббуслар бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги ҳамда «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари ижросини таъминлаш мақсадида 2010 йилда давлат статистика тизимида бўлаётган ўзгаришлар ва янгиланишлар ҳақида оммавий ахборот воситаларида икки мингдан кўпроқ материал эълон қилинган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 13 ноябрда қабул қилинган «Давлат статистика органлари тизимининг дастурий-техникавий таъминоти ва кадрларининг профессионал малакаси даражасини оширишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига

асосан қўмита ахборот хизмати янги замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланди.

— Жорий йилнинг 1 февралдан бошлаб электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда статистик ҳисоботларни электрон кўринишда йиғиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш бошланди, — дейди Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси ахборот хизмати раҳбари Ақром Султонов. — Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янада кенгроқ маълумотлар тақдим этиш мақсадида интернет тармоғи орқали фирма номиларини захирага қўйишнинг электрон тизими жорий этилди. Авваллари фирма номи олиш учун тадбиркор 2 кун вақт сарфлаган бўлса, энди сайтимиз орқали қисқа муддатда барча маълумотларни олиши мумкин. Шу асосда расмий веб-сайтимиз такомиллаштирилиб, хорижий тил версиялари кўпайтирилди.

Давлат бошқаруви органларининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги ҳамда «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари ижросини таъминлаш мақсадида 2010 йилда давлат статистика тизимида бўлаётган ўзгаришлар ва янгиланишлар ҳақида оммавий ахборот воситаларида икки мингдан кўпроқ материал эълон қилинган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 13 ноябрда қабул қилинган «Давлат статистика органлари тизимининг дастурий-техникавий таъминоти ва кадрларининг профессионал малакаси даражасини оширишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига

Сайёра ШОБВА,
ЎЗА муҳбири

Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

«Оиламизда ҳаммамиз спортчимиз»

■ Баҳор байрамларни бошлаб келади. Кўклам қувончи билан 8-март байрами шодликлари оламни тутди. Ҳар йили мана шу айём кунларида мамлакатимизнинг энг истеъдодли 14 нафар қизлари Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб кўрилади.

Бу йилги танлов голибларидан бири Зулхумор Бобоева бўлди. У 1996 йилда туғилган. Айни пайтда Ангрен шаҳридаги 2-мактабнинг 8-синф ўқувчиси. Спортнинг шотакан каратэ-до тури билан шуғулланади. У ёшлар ўртасида тўрт карра Ўзбекистон чемпиони-дир. Зулхумор 2007 йили 11 ёшида Токио шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионати ката

бахсларида тенгсиз деб, топилди, жаҳон чемпиони бўлди. 2008 йили Бухарестда Европа очик чемпионатида ҳам ката бахсларида голибликни кўлга киритди. 2008 йили пойтахтимизда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида, ўтган йили Грецияда ўтказилган жаҳон кубогида ҳам ката бахсларида голиб чиқди.

— Оиламизда ҳаммамиз

спортчимиз, — дейди Зулхумор. — Отам Баҳодир Бобоев шотакан каратэ-донинг Тошкент вилояти бўйича бош мураббийи. У киши менинг биринчи устозим. Галабаларим сабабчиси, илҳомчиси. Ҳозирги кунда Хўжамқул Хўжақулов назоратида машқларни давом эттиряпман. Спортнинг мен шуғулланаётган тури бўйича таникли спортчиларимиз София Каспүлатова, Зебо Мирзаева-лар изидан бориб, улардан ҳам юқори натижаларга эришишни орзу қиламан.

Ҳеч қайси давлатда болалар спортига, айниқса, қизлар спортига биздагидек эътибор берилмайди. Президентимиз-

нинг ўзи болалар спорти билан боғлиқ барча масалаларни шахсан назорат қилади. У киши биз қизларни соғ-саломат бўлишимизни жуда-жуда истайди. Мен барчаси учун Юртбошимизга миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Фурсати келганда, дугоналаримга яна бир гапни такрор айтаётганини истардим. Спорт аввало, мени жисмонан соғлом қилди. Интизомга ўргатди. Шу боис барча тенгдошларим ўзлари ёқтирган бирор спорт тури билан шуғулланишларини тавсия этаман.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



Тадбир

Қимматли қоғозлар бозори

■ Ўтган йили 28 декабрда пойтахтимизда Корея Фонд биржаси ва Ўзбекистон Давлат мулки қўмитаси ўртасида қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш тўғрисидаги ҳамфикрлик меморандуми имзоланган эди. Маълумки, Корея Фонд биржаси (KRX) — қимматли қоғозлар билан муомала қилиш кўлами борасида дунёнинг машҳур фонд биржаси ҳисобланиб, савдо айланмаси бўйича энг йирик ўнта фонд биржанинг бири саналади.

Кунни кеча Корея Фонд биржаси (KRX) вакиллари Ўзбекистонга ташриф буюрди. Шу муносабат билан Давлат мулки қўмитасида Корея Фонд биржасининг бизнесни глобал ривожлантириш масалалари бўйича вице-президенти Хванг Жунгхо бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда Давлат мулки қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Азиз Абдуҳакимов, Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази директори вазифасини бажарувчи Аскар Обидов, Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси, «Тошкент» Республика Фонд биржаси раҳбарлари ҳамда Корея Фонд биржасининг норматив-ҳуқуқий фаолиятини таъминлаш бўйича вице-президенти Ли Сунг-Бум, Корея Республикаси Адлия вазирлиги прокурори Вук Жин-Рха ва бошқа етакчи мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

— Ушбу учрашувни ўтказишдан асосий мақсад, — дейди Давлат мулки қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Азиз Абдуҳакимов, — Корея ва Ўзбекистон давлатлари ўртасида қим-

матли қоғозлар бозорини ривожлантириш борасидаги ҳамкорликнинг дастлабки босқичини амалга оширишдир. Имзоланган Меморандум шартлари бўйича кейинги фаолият режасини ўзаро келишиб олиш, шунингдек, кореялик экспертларни Ўзбекистон фонд бозори инфратузилмалари ташкилотлари — депозитарий, фонд биржаси ва бошқа институтларнинг савдо, ҳисоб-китоб ва тўловни тартибга солиш фаолияти ҳамда жорий норматив ҳуқуқий базаси билан таништириш ўзбек мутахассисларини эса Корея фонд бозори ривожланиши тажрибаси билан таништиришдир.

Жумладан, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш тўғрисидаги ушбу ҳамфикрлик Меморандуми икки давлат фонд биржаси фаолиятининг бирча соҳаларида ўзаро ҳамкорлик йўналишларини кенгайтириш, хусусан, Ўзбекистонда онлайн усулидаги янги фонд биржа инфратузилмасини яратиш учун замонвий ахборот технологиялари олиб кириш, онлайн усулидаги IPO ёрдамида бизнес соҳа вакиллари учун янги ҳамкорлар топишни янада энгиллаштириш ва бошқа кўплаб имкониятлар яратди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ



Автотранспортчилар учун семинар-кенгашлар

■ Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ташаббуси билан ҳамда Молия вазирлигининг солиқ сиёсати бошқармаси ҳамкорлигида жойларда автотранспорт хизмати кўрсатиш билан шуғулланаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури»нинг мақсад ва вазифалари, амалга оширилиши режалаштирилган тадбирлар ҳамда 2011 йилда солиқ ва бухгалтерия ҳисоботларини юритишга ҳамда автотранспорт соҳасига оид қонунчиликдаги янгилликлар ва ўзгаришларга бағишланган ҳудудий семинар-кенгашлар бўлиб ўтмоқда.

Автотранспорт фаолияти билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг раҳбар ва бош ҳисобчилари учун ташкил этилаётган мазкур тадбирда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Олий ҳўжалик суди масъул ходимлари, маҳаллий ҳокимликлар, ИИБ ЙХБ, Солиқ ва Молия бошқармалари вакиллари, Республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари ишти-

рок этмоқда. Кун тартибига кўра семинар-кенгашда Агентлик вакиллари Президентимизнинг 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори ва тасдиқланган Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари, амалга оширилиши режалаштирилган тадбирлар тўғрисида ҳамда «Автомобиль транспортда йўловчилар хавфсизлигини

таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиниш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳамда «Йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун тендерлар ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари мазмун-моҳиятини тушунтириб беришмоқда.

Шунингдек, Молия вазирлиги Бухгалтерия ҳисоби ва аудити бошқармаси, Молия вазирлиги Солиқ сиёсати бошқармаси ва Олий ҳўжалик суди мутахассислари ҳам ўз соҳаларига доир масалалар юзасидан чиқишлар қилмоқдалар.

Савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга бой ҳолатда қизгин давом этаётган семинар-кенгашда автотранспортчи тадбиркорлар учун Агентлик ва Молия вазирлигининг Солиқ сиёсати бошқармаси томонидан тайёрланган мавзуга доир меъёрий ҳужжатлар тўлаими ҳам тарқатилди.

(Ўз мухбиримиз).

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ**

қуйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очик танлов савдоси ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Термиз шаҳар, Ш.Рашидов кўчасидаги казарман МХХ Сурхондарё вилоят бошқармасининг маъмурий биносига айлантириш учун реконструкция қилиш.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 1730,439 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 1442,033 млн. сўм, қурилиш муддати — 180 кун.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Сурхондарё вилояти бошқармаси.

Манзили: Термиз шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 36-уй,
Тел/факс: (8-376) 223-02-37.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш МХХ Сурхондарё вилоят бошқармасига ажратиладиган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мудофаа объектларини қуриш учун лицензияга, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилди: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларидан четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишни охириг муддати — оферталар очилиши кунни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда:

Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда ўтказилади.

Республика ёнилги энергетика, геология ва кимё-саноати ходимлари касаба уюшмаси

Марказий кенгашининг

Қашқадарё вилоят вакиллик жамоаси

халққимизни

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан

муборақбод этади.

Юртимизда

тинчлик-

хотиржамлиқ,

рўзгоримизда

пўқин-соғинлик

бўлсин.

**ХОНАДОНИМИЗДАН
ФАЙЗУ БАРАКА АРИМАСИН!**



AGROBANK

**«АГРОБАНК»
ОАТБ**

**Қорақалпоғистон
Республикаси
бошқармаси жамоаси
юртдошларимизни
Наврўзи олам билан
муборақбод этади.**

**Баҳор
байрами
барчанинг
хонадонига
қут-барака,
қувончу
шодлик
олиб
келсин!**

**ТЕНДЕРНАЯ КОМИССИЯ ГАЖК
«ЎЗБЕКISTON ТЕМИР ЙУЛЛАРИ»**

объявляет тендер № 1 на 2011 год

**на приобретение путеизмерительного
вагона в количестве 1 единицы согласно графику
поставки (2-й квартал 2011 года).**

За тендерной документацией обращаться по адресу:

Г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7,

ГАЖК «Ўзбекистон темир йуллари»,

Управление «Темирйуленилгитаъмин», комната 410,

Тел: 237-94-72, 237-96-33; факс: 140-00-23.

Заявки на участие в тендере принимаются в течение 30 дней со дня опубликования объявления в средствах массовой информации.





**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ
МИЛЛИЙ БАНКИ**

Юртдошларимизни баҳор айёми — Наврўз билан муборакбод этади ва миллий валютадаги муддатли омонатларга маблағ қабул қилиш бошланганини маълум қилади:

«АЛОМАТ»

- ◆ сақлаш муддати — 3 ой;
- ◆ омонатларга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
- ◆ фоизлар ҳар ой ёки омонат муддати тугагандан сўнг, талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлаштирилмаган ҳолда тўланади.

«НАСИБАЛИ»

- ◆ сақлаш муддати — 4 ой;
- ◆ омонатларга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
- ◆ фоизлар ҳар ой ёки омонат муддати тугагандан сўнг, талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлаштирилмаган ҳолда тўланади.

Омонатларга маблағ қабул қилиш 2011 йил 1 апрелгача амалга оширилади.

Шунингдек, манфаатли шартларда хорижий валютада турли омонатлар амал қилаётганини маълум қиламиз.

Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.

www.nbu.com

Хизматлар лицензияланган.



**«БЕКТЕМИР
ЧИГИТНИ
ЛИНТЕРЛАШ»**

**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ
ЖАМОАСИ**

Халқимизни

**НАВРЎЗИ ОЛАМ
билан**

муборакбод этади!

Қир-адирлар, боғ-роғлар

яшил либосга

бурканаётган

**ушбу қутлуғ кунлардаги
барча орзу-ниятларингиз
амалга ошсин!**



**Айёмингиз
муборак,
азиз юртдошлар!**

**ЎЗБЕКИСТОН ҚАТТИҚ
ҚОТИШМАЛАР ВА
ЎТГА ЧИДАМЛИ
МЕТАЛЛАР КОМБИНАТИ**

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

*юртдошларимизни яшарини ва
янгилашини айёми —
НАВРЎЗИ ОЛАМ билан
муборакбод этади.*

Эл фаровонлиги, Ватан равнақи, юрт ободлиги йўлидаги бунёдкорлик, хайрли ва эзгу ишларингизда омадлар ёр бўлсин.

Янги кун қалбларимизга шоду хуррамлик, оилаларимизга осойишталик ва хотиржамлик олиб келсин.

**Баҳорий кайфият ҳамиша
ҳамроҳингиз бўлсин азизлар!**

«ОҲАНГАРОНДОН»



АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ



юртдошларимизни
баҳор ва гўзаллик байрами —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан қутлайди.


Халқимиз ризқ-насибаси бўлган
ғалла хирмонлари бу йил янада
юксалсин.
Рўзгорларимиздан тўкин-сочинлик,
қут-барака аримасин.



*Наврўз барчамизга
муборак бўлсин, азизлар!*

Беруний «Ёғгар»

ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



юртдошларимизни

Наврўзи олам билан қутлайди.

**Юртимизда
тинчлик-хотиржамлик,
тотувлик
бардавом бўлсин!**



«Ўзбекистон темир йўллари»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТЕМИР ЙЎЛ ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни Наврўзи олам билан қутлайди.


Барчангизга тинчлик-омонлик,

бахт-саодат, мустаҳкам соғлиқ, эл-юрт

фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларингизда

муваффақиятлар тилайди.

**Баҳор, Наврўз муборак
бўлсин, азизлар!**





Қадрли юртдошлар!
«Асака» банк (ОАЖ)

сизларни, Наврўз байрами билан табриклайди
ва қуйидаги янги муддатли омонат турларини
таклиф этади.

Миллий валютадаги омонат:

«Наврўз».

Сақланиш муддати — 1,5 йил.

Ҳисобланган фоизлар ҳар чорақда ёки омонат ёпилганда берилади.

Хорижий валютадаги омонат:

«Стимул-II» Еврода.

Сақланиш муддати — 1,5 йил.

Ҳисобланган фоизлар ҳар чорақда ёки омонат ёпилганда берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	225-16-46
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	229-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтириқ филиали	373	432-10-11
Кўкон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	234-17-96
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	223-72-47
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

**«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизнинг
сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.**

**Барча омонатларингиз фуқароларнинг
банклардаги омонатларини кафолатлаш
фонди томонидан кафолатланади.**

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган!



«Ўзагросуғурта» ДАСК

Қашқадарё вилояти дирекцияси жамоаси

юртдошларимизни
Наврўз байрами билан
муборакбод этади.

Орзу-умидлар,
эзгу тилаклар айёми
барчамизга
бахт-саодат,
омад ва муваффақиятлар
олиб келсин!



Ўзбекистон темир

йўллари ДАТК тизимидаги

**14-SON RELS
PAYVANDLASH
POEZDI UNITAR
KORXONASI
ЖАМОАСИ**

азиз юртдошларимизни
гўзаллик, шоду хуррамлик
ва қувонч байрами —
Наврўзи олам билан самимий
муборакбод этади!



**Қарши давлат университети
жамоаси**

юртдошларимизни
Наврўзи олам билан қутлайди.
Ваганимиз тинч,
ҳаётимиз фаровон,
осмонимиз мусаффо бўлсин!

*Assalom,
Navro'z!*



«ШЎРТАНГАЗКИМЁ»

МАЖМУАСИ ЖАМОАСИ

*халқимизни **Наврўзи олам билан**
самимий муборакбод этади.*

**Юрдошларимизнинг кўнгилларини эзгулик,
шодлик, шукроналик ва келажакка бўлган
ишонч туйғулари асло тарк этмасин!**

Наврўз муборак, азизлар!

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Musihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy
RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 349
21781
nuxxada
bosildi.

t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.50
Topshirilgan vaqti — 22.50

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston
ovozi»ning kompyuter
markazida terildi va
sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5